

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12 .2021.Р.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВА ГУЛМИРА ЖУРАЕВНА

**ТАЛАБАЛАРДА НИЗОЛИ ХУЛҚ-АТВОРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ
ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по психологическим
наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
psychological Sciences**

Бердиева Гулмира Жураевна

Талабаларда низоли хулқ-атвори бартараф этишнинг психодиагностикаси ва
психокоррекцияси.....3

Бердиева Гулмира Жураевна

Психодиагностика и психокоррекция разрешения конфликтного поведение в
студентов.....28

Berdieva Gulmira Juraevna

Psychodiagnostics and psychocorrection of the elimination of conflict behavior in
students54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12 .2021.Р.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИЕВА ГУЛМИРА ЖУРАЕВНА

**ТАЛАБАЛАРДА НИЗОЛИ ХУЛҚ-АТВОРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/P241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik@uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекназарова Лола Садиновна
психология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдурасулов Рустам Абдураимович
психология фанлари доктори, доцент

Исмоилова Нуржаҳон Зухуриддиновна
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Phd03/30.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ кун тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ф.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент.

Н.Б. Атабоева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т. Нишоновна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ҳозирги шароитда барча таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнини диагностика қилиш ва коррекциялашнинг психологик усулларини такомиллаштириш ҳамда халқаро баҳолаш дастурларини жорий этиш технологиялари кенг татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКОнинг «Таълим барча учун» (Education For All (EFA) глобал ҳаракатининг «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари» (Millennium Development Goals (MDGs) доирасида билим олиш ҳуқуқини кафолатлаш, шахс маънавий юксалишининг диагностика йўналишлари ҳамда интеллектуал, касбий ва гуруҳда ишлаш имкониятларини такомиллаштиришнинг психодиагностик воситаларини аниқлаш, XXI аср кўникмалари асосида таълим олиш шарт-шароитларини янада ривожлантириш бўйича тизимли ишлар кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда талабаларнинг юқори когнитив ва инновацион имкониятларини амалга ошириш, шахслараро муносабатларга оид компетенцияларини ўз вақтида қарор топтириш, конструктив хулқни ривожлантириш ва ҳамкорликка асосланган гуруҳда ишлаш тизимининг универсал психологик жиҳатларини рағбатлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга талабаларда шахслараро муносабатларга оид компетенция, толерантлик, гуруҳий эмпатия, эмоционал интеллект, ижтимоий интеллект, комформлик, гуруҳий муносабатларга нисбатан альтруизм сифатларини шакллантиришни тадқиқ этишнинг психодиагностик, психокоррекцион усулларини такомиллаштириш ҳамда талабалар жамоасида конструктив хулқни таркиб топтириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда халқаро стандартлар асосида кейинги йилларда юқори малакага эга бўлган, илмий ижодий ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини оширишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. «Талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан, талаба-ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш»¹ давлат ва жамият олдида турган устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Ушбу комплекс вазифалар ижросини таъминлаш учун олий таълим муассасаси ўқув гуруҳларидаги психологик муҳитни яхшилаш, талабаларда низоли хулқ-атворга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон Фармони. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2019 йил октябрь, 41-сон (905). Б.10-14.

мойилликни олдини олиш ва бартараф этишнинг психодиагностика ва психокоррекция усуллари самарадорлигини таъминлаш бўйича янги илмий ечимларни топиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон, 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3907-сон, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4307-сон, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4623-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Р.А.Абдурасулов, С.Х.Жалилова, Н.З.Исмоилова, В.М.Каримова, Х.К.Каримов, Н.Г.Камилова, З.Т.Нишанова, Г.Қ.Тўлаганова, Г.З.Тожибоева, Б.М.Умаров, Ғ.Б.Шоумаров, Д.Ж.Шарипова, С.Юлдашева ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий-изланишларида низоли вазият ва уларнинг турлари, ўсмирда низоли хулқ-атвор, низоли хулқ-атворни илмий-амалий ўрганишнинг ижтимоий-психологик усуллари, талабалар шахсида низоли хулқ-атвор намоён бўлишининг психологик ўзига хос психологик жиҳатлари, талабаларда стресс намоён бўлишига барқарор таъсир этувчи копинг хулқ стратегияси, низоли хулқ-атворни олдини олишнинг ижтимоий омили сифатида оилавий тарбия, талабалар гуруҳида низоли хулқ-атворни баҳолашнинг психодиагностик усуллари каби қатор муҳим масалалар ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан А.Я.Анцупов, Ф.В.Бассин, М.В.Башкин, Е.Н.Богданов, О.В.Бубновская, А.А.Букина, Л.Ф.Бурлачук, Н.Б.Буртовая, Ф.Н.Василюк, И.О.Денисов, С.М.Емельянов, Е.Е.Ефимова, Т.В.Евтушенко, Д.В.Ивченко ва бошқалар мазкур мавзуга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Хориж олимларидан N.R.Barden, K.P.Beckum, N.A.Burrel, G.G.Darkenwald, Marc Gopin, A.F.Higgins, W.E.Hocker, S.H.Landau, C.T.Mortensen, M.A.Rahim, M.S.Rosario, K.W.Thomas ва бошқалар педагогик психология, ривожланиш психологиясининг энг муҳим йўналиши сифатида

педагогик психология ва ёш психологиясида низоли хулқ намоён бўлишининг шахс характерологик хусусиятларига ўзаро алоқадорлиги масалаларини илмий тадқиқ этганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №21-05/1t-8 «Маънавий етук ёшлар - порлоқ келажак сари йўл бошлар» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда низоли хулқ-атворни аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг психодиагностикаси ва психокоррекциясини бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар низоли муносабатларида хулқ-атворнинг психологик омилларини аниқлаш;

низоли хулқ-атворнинг шаклланишига таъсир этувчи психологик хусусиятлар даражасини аниқлаш;

талабалар хулқ-атворидаги низоли вазиятларнинг психологик омиллар билан ўзаро таъсирини асослаш;

талабаларда низоли хулқ ва низоли вазиятларни бартараф этишнинг психокоррекция дастури ҳамда модулини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида талабаларда низоли хулқ-атворни бартараф этишнинг психодиагностикаси ва психокоррекция жараёни танланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент давлат педагогика университетининг 182 нафар, Қарши давлат университетини 183 нафар, педагогик-психология, психология таълим йўналишининг I-III босқич талабалари бўлиб, тадқиқотда жами 365 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети талабаларда низоли хулқ-атворни бартараф этишнинг психодиагностикаси ва психокоррекциясининг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатиш, тажриба, контент-таҳлил методларидан, шунингдек, К.Н.Томаснинг «Низоли вазиятларга муносабатни ўрганиш», А.Басс, А.Даркиларнинг «Тажовуз ҳолатини аниқлаш», В.В.Бойконинг «Эмоционал муносабатлардаги тўсиқларни диагностика қилиш», Е.П.Ильиннинг «Низоли вазиятларда шахс хулқ-атворини баҳолаш» методикалари ва Р.Б.Кеттелнинг «16 омилли шахсни ўрганиш сўровномаси»ни миллий-маданий муҳитга мослаштирилган варианты ва математик-статистик усуллардан Манн-Уитни мезони, нопараметрик мезонлар, К. Пирсоннинг r_r -корреляция коэффициентини ҳисоблаш фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар гуруҳида низоли хулқ-атворни намоён бўлиш даражаларига мувофиқ, агрессивлик, деструктив танқидийлик хусусиятларини бошқаларни эмоционал қабул қилмаслик негизида кучайиши коммуникатив нокомпетентликни ривожланишига олиб келганлиги сабабали, конфликтотен

шахс хулқ-атворининг баҳолаш мезонлари динамик характерда ифодаланиши исботланган;

низолашувчанлик даражаси юқори бўлган талабаларнинг агрессив хулқга мойиллигига кўра, шахсдаги интропунитив реакцияларнинг вербал, жисмоний, билвосита агрессия кўринишлари таъсирида камайиши гуруҳдаги муносабатларда негатизмни кучайтирганлигига асосланиб, уларда душманлик индексининг барқарор характерга эга бўлиши исботланган;

талабаларнинг низоли вазиятлар ечимини топишда индивидуал хусусиятларини ифодаланишига кўра, киришимлилик, ҳиссий барқарорлик, етакчиликка интилиш, ижтимоий меъёрларга риоя қилиш, ўзини-ўзи тартибга солиш каби сифатларнинг, гуруҳий муносабатларда рефлексив даражада ривожланишига асосланиб, низоли хулқ-атворга мойилликнинг шахслилик омиллари дифференциал таъсирга эга эканлиги далилланган;

талабалардаги низоли хулқ-атворни бартараф этишнинг психологик модели коммуникатив, иродавий, интеллектуал сифатларни ижтимоий оптимистик руҳда шакллантириш муҳимлигига кўра, хулқ-атворнинг когнитив, аффектив, мотивацион компонентларига комплекс психодинамик таъсир механизмларини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юрти талабаларида низоли хулқ-атворни бартараф этишнинг психодиагностик ва психокоррекцион жиҳатларини ўрганишга доир тест ва сўровномалар амалиётга жорий қилинган;

олий ўқув юрти талабаларининг низоли хулқ-атворини бартараф этишнинг психологик хусусиятларини психодиагностик методлар ёрдамида аниқлаш орқали уларда ўзаро мурасага келиш каби ўзгаришлар аниқланган ва амалиётга жорий этилган;

Олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган «Низоли вазиятларда мурасали муносабатларни шакллантириш» видео машғулотлар ва ролли ўйинлар оммалаштирилган;

Низоли хулқ-атворга мойил, агрессив, низоли вазиятдан чиқиб кетолмайдиган талабалар учун психологик маслаҳат ва аутоген машқлар ҳамда гуруҳий психологик тренинглари қўлланилган;

талабалар ўртасида юзага келадиган турли-туман низоли вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг ўзаро ҳамкорликка асосланган позитив муносабатларни баҳоловчи психодиагностик ва психокоррекцион тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишнинг самарадорлигини оширишга хос ёндашув ва усулларнинг адекват, мукамаллиги, репрезентативлиги; олинган амалий натижалар назарий концептуал жиҳатдан ёритиб берилганлиги; амалий натижаларнинг миқдорий кўрсаткичлари ишончли ва самарадор замонавий математик статистика усулларида фойдаланилган ҳолда асослангани; эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилгани; натижалар «MS Excel», «SPSS 15» дастурлари ёрдамида натижаларнинг қайта ишлангани; хулосалар илмий-амалий жиҳатдан

асосланиб амалиётга тадбиқ этилгани; ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижаларнинг тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда низоли хулқ-атворнинг олдини олишнинг психодиагностик ва психокоррекцион жиҳатларини ўрганиш; унинг ҳамкорликда самарали ишлаши ўқитувчилар билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш шароитида юзага келувчи низоли вазиятларнинг олдини олишга қаратилган назарий ҳамда амалий маълумотлар билан бойитилгани; олий ўқув юрти талабаларида низоли хулқ-атворнинг олдини олишни тизимли равишда психодиагностик ва психокоррекцион жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилишнинг имконияти кенгайтирилганлиги; педагогик психология, ёш даврлари психологияси, ижтимоий психология, дифференциал психология, касбий психология, мулоқот психологияси, психодиагностика, психокоррекция ва психологик хизмат соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, илмий тадқиқот асосида олинган хулоса ва тавсиялардан муаммонинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш бўйича кейинги тадқиқот ишлари, талабаларнинг ўқув фаолияти давомида юзага келадиган турли муаммоли вазиятларни бартараф қилишда, талабаларнинг позитив муносабат имкониятларини такомиллаштириш ва талабалар билан фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, маънавий-маърифий ишлар бўйича мутахассислар, тьюторлар ва амалиётчи психологларнинг касбий фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан эътироф этилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларда низоли хулқ-атвор ва уни бартараф этишнинг психодиагностикаси ва психокоррекцияси жиҳатларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

талабалар гуруҳида низоли хулқ-атворни намоён бўлиш даражаларига мувофиқ, агрессивлик, деструктив танқидийлик хусусиятларини бошқаларни эмоционал қабул қилмаслик негизида кучайиши коммуникатив нокомпетентликни ривожланишига олиб келганлиги сабабали, конфликтоген шахс хулқ-атворининг баҳолаш мезонлари динамик характерда ифодаланиши исботланганлигига оид илмий натижалар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а-буйруғига биноан «Ижтимоий психология» модули мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а-буйруғи). Натижада бўлажак педагог-психолог ва амалиётчи психолог мутахассисларни тайёрлашда талабалардаги низоли хулқ-атворни аниқлашнинг психодиагностик ва психокоррекцион воситаларини такомиллаштиришда назария ва амалиёт узвийлиги кучайтирилган;

низолашувчанлик даражаси юқори бўлган талабаларнинг агрессив хулқга мойиллигига кўра, шахсдаги интропунитив реакцияларнинг вербал, жисмоний, билвосита агрессия кўринишлари таъсирида камайиши гуруҳдаги

муносабатларда негативизмни кучайтирганлигига асосланиб, уларда душманлик индексининг барқарор характерга эга бўлиши исботлангангига доир илмий хулосалар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а-буйруғига биноан «Умумий психология» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а- буйруғи). Натижада бу таълим муассасаларида фаолият юритадиган мутахассисларнинг тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашга доир зарур илмий-амалий билим, малака ва кўникмаларининг ошишига хизмат қилган;

талабаларнинг низоли вазиятлар ечимини топишда индивидуал хусусиятларини ифодаланишига кўра, киришимлилиқ, ҳиссий барқарорлик, етакчилиқка интилиш, ижтимоий меъёрларга риоя қилиш, ўзини-ўзи тартибга солиш каби сифатларнинг, гуруҳий муносабатларда рефлексив даражада ривожланишига асосланиб, низоли хулқ-атворга мойилликнинг шахслилик омиллари дифференциал таъсирга эга эканлиги шакллантирилганлигига доир илмий натижалар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а-буйруғига биноан «Психогигиена» модулига киритилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а-буйруғи). Натижада бу таълим муассасаларида фаолият юритадиган мутахассисларни психокоррекцион ишларни олиб боришга доир зарур илмий-амалий билим, малака ва кўникмаларининг ошишига хизмат қилган;

талабалардаги низоли хулқ-атворни бартараф этишнинг психологик модели коммуникатив, иродавий, интеллектуал сифатларни ижтимоий оптимистик руҳда шакллантириш муҳимлигига кўра, хулқ-атворнинг когнитив, аффектив, мотивацион компонентларига комплекс психодинамик таъсир механизмларини қўллаш асосида такомиллаштирилган ва далилланган маълумотлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а-буйруғига биноан «Касб психологияси» модули мазмунига сингдирилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ 52а- буйруғи). Натижада талабаларда низоли хулқ-атворнинг келиб чиқиши билан боғлиқ психодиагностик ва психокоррекцион хусусиятларни аниқлаш ва бартараф этишнинг асосий омилларини аниқлашга хизмат қиладиган илмий-методик таъминот бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола,

шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объекти ва предмети аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиқ берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Низоли хулқ-атвор муаммоси психологик тадқиқот предмети сифатида**» деб номланган бўлиб, унда низоли хулқ-атвор тушунчасининг психологик асослари психология фанининг ўрганиш предмети сифатида келтирилган. Замонавий психологик тадқиқотларда низоли хулқ-атворни тадқиқ этишнинг психологик масалалари ва талабаларда низоли хулқ-атвор намоён бўлишининг психологик хусусиятлари таҳлил этилган.

Психология фанига тегишли манбаларда низоли хулқ-атворни тушунтирувчи кўплаб назарий ёндашувлар, илмий концепциялар, илмий тамойиллар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш низоли хулқ-атворни олдини олиш билан боғлиқ янги усулларнинг аниқланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. А.Я.Анцуповнинг айтишича, низоли хулқ-атвор бу - жамиятдаги инсонларнинг ўзаро таъсирлашув ҳаракатларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг бир қисми ҳисобланади. Худди шунга яқин таърифни Н.И.Леновнинг тадқиқотларида низоли хулқ-атворда субъектларнинг ўзаро ҳақиқий ҳаракатлари акс этиб, унда асосий омиллар сифатида эҳтиёжлар, мотивациялар ва инсоннинг қадриятлари тизими кабилар тан олинади. Демак, низоли хулқ-атворни ўрганишнинг омиллари сифатида авваламбор, инсон эҳтиёжлари ва мотивлари мазмуни ҳам эътиборга олиниши лозим. Чунки, эҳтиёжлар ва мотивларнинг ўз вақтида қондирилмаслиги, ички қарама-қаршилиқ ва ўзаро муносабатлардаги номутаносибликни келтириб чиқариши таъкидланади. Бошқа бир психологик манбаларда қайд этилишича, низоли хулқ зиддиятли вазиятларни ҳал этишнинг ўзига хос усулидир. Мисол учун, А.И.Шипилованинг ёзишича, низоли хулқ-атвор бу - ўзаро таъсирлашув жараёнида юзага келадиган ва муҳим қарама-қаршилиқларни ҳал этишга қаратилган усул бўлиб, у низо субъектларига қаратилган салбий ҳис-туйғулардан иборат. Мазкур ёндашувга мувофиқ, низо бирор бир шахсга қаратилган салбий ҳис-туйғу ҳисобланади.

Замонавий тадқиқотларда, низоли хулқ-атворни ҳаётий зарурати сифатида талқин этувчи концепцияларни ҳам учратиш мумкин. Низоларни тадқиқ қилувчи олим О.Н.Громованинг ёндашувига кўра, низоли хулқ бу – табиатдаги мавжудлик учун курашнинг бир тури бўлиб, у барча шахслар учун зарурдир. Чунки, жамиятдаги барча гуруҳлар, жамоалар, ижтимоий бирлашмаларнинг барчаси низолар орқали бирлашади ёки умумий мақсад сари интилишади.

Ҳаётий вазиятларнинг хилма-хиллиги уларни тартибга солиш ва тизимлаштиришни талаб этади. Шахсни ривожланиши учун ижобий вазиятлар типологиясини ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида Б.Г.Ананьев таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, инсоннинг ҳаёт воқеалари билан бўлган ўзаро алоқаси ўз ичига шахс учун ривожланиш имкониятини олган у ёки бу ижтимоий вазиятни ташкил этади. Ривожланишнинг аниқ вазиятларида инсон субъектив хусусиятларининг мураккаб тизимини акс эттирувчи жамият талаби асосида вазифалар мажмуини амалга оширади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Талабаларда низоли хулқ-атворни тадқиқ этишнинг назарий-методологик шарҳи»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда талабаларда низоли хулқ-атвор шаклланишининг психологик хусусиятлари, талабалар жамоасида низоли хулқ-атворни амалий жиҳатдан текширишда тадқиқот усуллари ва техникасини асослаш тавсифи, талабаларда низоли хулқ-атворни келтириб чиқарувчи психологик омиллар кўриб чиқилган.

1-жадвал.

Е.П.Ильин томонидан ишлаб чиқилган «Низоли вазиятларда шахс хулқ-атворини баҳолаш» методикасига кўра талабалар гуруҳидаги низоли хулқ-атвор ва низолашув даражаларига кўра синалувчиларнинг кўрсаткичлари

Даражалар	Умумий кўрсаткич		Таълим босқичлари			
	Тадқиқот объектига нисбатан улуши (N=365)	Тадқиқот объектига нисбатан улуши фоиз ҳисобида (%)	1 курс (N=194)	(%)	3 курс (N=171)	(%)
Низоли хулқ-атворнинг қуйи даражаси	138	37,80	73	37,62	65	38,01
Низоли хулқ-атворнинг ўрта даражаси	153	41,91	82	42,26	71	41,52
Низоли хулқ-атворнинг юқори даражаси	74	20,27	39	20,10	35	20,46

Тадқиқот ишида талабаларда низоли хулқ-атвор шаклланишининг психодиагностик ва психокоррекция хусусиятларини текширувчи психодиагностик методика, К.Н.Томаснинг «Низоли вазиятларга муносабатни ўрганиш» сўровномаси, А.Басс ва А.Даркининг «Тажовуз ҳолатини аниқлаш», В.В.Бойконинг «Эмоционал муносабатлардаги тўсиқларни диагностика қилиш», Е.П.Ильиннинг «Низоли вазиятларда шахсий хулқ-атворни баҳолаш» методикалари ва Р.Б.Кеттелнинг «16 омилли шахсни ўрганиш сўровномаси»нинг миллий-маданий муҳитга мослаштирилган варианты ҳамда математик-статистик усуллардан (Ман-Уитни мезони, нопараметрик мезонлар, К. Пирсоннинг r_p -корреляция коэффициентини ҳисоблаш) фойдаланилди.

Тадқиқотимизнинг объекти сифатида Қарши давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетининг 365 нафар талабалари танлаб олинган. Психологик тадқиқотларда психологиянинг объектив методларидан кенг тарзда фойдаланиш, психометрик талабларга жавоб берадиган методикаларни қўллаш ҳозирги замонавий тадқиқотларни юксак даражада ўтказилишига имконият яратиб беради.

2-жадвал.

Низоли вазиятларда шахс хулқ-атворини баҳолаш даражаларининг кўрсаткичлари (Манн-Уитни мезони асосида) (N=365)

Шкалалар	Таълим босқичи	Синалувчилар сони	Ранглар ўртачаси	Ранглар йиғиндис	U (Манн-Уитни қиймати)	p (ишонч даражаси)
Бефарқликка мойиллик	1	194	96,15	9038,50	4573,50	0,834
	3	171	97,80	9682,50		
Тажовузкор, талабчан бўлишга мойиллик	1	194	85,44	10262,50	3508,50	0,003**
	3	171	109,18	8458,50		
Хафагарчиликка мойиллик	1	194	102,28	9614,00	4157	0,195
	3	171	91,99	9107,00		
Ноқулайликка (камчиликларга) мойиллик	1	194	96,15	9038,50	4573,50	0,835
	3	171	97,80	9682,50		
Мурасизликка мойиллик	1	194	94,49	8882,00	4417,00	0,538
	3	171	99,38	9839,00		
Қасоскорликка мойиллик	1	171	106,50	10011,00	3760,00*	0,019*
	3	194	87,98	8710,00		
Бошқаларнинг фикрларига тоқатсизлик	1	194	97,78	9191,00	4580,000	0,849
	3	171	96,26	9530,00		
Шубҳаларга нисбатан тоқатсизлик	1	194	97,07	9125,00	4646,000	0,985
	3	171	96,93	9596,00		

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$.

Методиканинг умумий меъёрий кўрсаткичи тадқиқот объектларининг частотали таҳлиliga кўра улушлари 365 нафар синалувчига кўра 138 (37,80%) нафар низоли хулқ-атвори қуйи даражалилар, низоли хулқ-атвори ўртача даражалилар 153 нафар (41,91 фоиз) ва юқори даражалилар 74 нафар (20,27%)ни ташкил этди. Таълим босқичига кўра эса низоли хулқ-атвори қуйи даражалилар 1-босқичда 73 нафар (37,62 фоиз) ва 3-курсда 65 нафар (38,01 фоиз); ўрта даражалилар 1-босқичда 82 нафар (42,26 фоиз) ва 3-курсда 71 нафар (41,52 фоиз) ва юқори даражалилар 1-босқичда 39 нафар (20,10 фоиз) ва 3-курсда 35 нафар (20,46 фоиз) улушга эга бўлди.

Ўз навбатида тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда фойдаланиш лозим бўлган мезонни аниқлашда нормал тақсимланиш мослигини текширишга эришилди.

Эмпирик қийматлар талабалар гуруҳидаги низоли хулқ-атвор ва низолашув даражаларини акс эттиришда иккита шкала бўйича кескин тафовут борлиги аниқланди. Тажовузкор, талабчан бўлишга мойиллик ($U=3508$; $p<0,01$). Бу ерда 3-босқич талабалари низолар шароитида тажовузкорликнинг ушбу мезонига қатъий таяниши кузатилди.

Биринчи босқич талабалари эса қасоскорликка мойиллик шкаласи бўйича ($U=3760$; $p<0,01$) учинчи босқич талабаларидан ишончлилик фарқларига эга бўлди. Бу эса уларнинг низоли шароитда ўч олиш ҳисси доимо устуворлик қилишини кўрсатмоқда. Дастлабки тадқиқот натижалари талабалар гуруҳидаги низоли хулқ-атвор ва унинг намоён бўлиши ҳамда у билан боғлиқ психологик омилларни ўрганишда навбатдаги методикаларни татбиқ этишга олиб келди. Ўз навбатида талабалар гуруҳидаги низоли хулқ-атвор, унинг даражалари, унга таъсир кўрсатувчи психологик омиллар ҳамда ўзаро мезонлараро ички боғлиқликни аниқлашга ҳам зарурат туғдирди. Мазкур масалалар эмпирик қийматларнинг бир қатор кўринишларда таҳлил қилишга олиб келди.

3-жадвал.

Низолашувчи талабаларнинг агрессивлик хулқ-авторлари билан низодаги хулқ-атвор услублари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик (Спирман корреляцияси, $N=74$)

Кўрсаткичлар	Рақобатлилик	Ҳамкорлик	Келишувчанлик	Тортишувдан қочиш	Мослашувчанлик
Жисмоний агрессия	0,140*	0,026	-0,300**	-0,162*	-0,215*
Вербал агрессия	-0,070	0,018	-0,160*	-0,325**	0,158*
Билвосита агрессия	-0,057	-0,181*	-0,120*	0,104	0,046
Негативизм	0,013	0,053	0,006	-0,117	0,101
Тажанглик	0,170*	0,100	-0,187**	-0,160*	-0,177*
Шубҳаланувчанлик	0,157*	-0,348**	-0,201*	-0,173*	-0,228*
Хафагарчилик	0,183*	-0,157*	-0,169*	0,197	0,245*
Айбдорлик ҳисси	-0,064	-0,162*	-0,181*	0,204	-0,192*

Изоҳ: * - $p<0,05$; ** - $p<0,01$.

Талабалар гуруҳидаги низоли хулқ-атворда уларнинг хатти-ҳаракат стратегияларининг ўрни масаласи қуйидаги тартибда ўрганилди. Бунинг учун Басс-Даркининг «Агрессивликни аниқлаш» методикасидан фойдаланилди.

Талабалар гуруҳидаги низоли вазиятларда уларнинг хулқ-атворига хос хусусиятларнинг намоён бўлишини ифодаловчи шкалалар бўйича эмпирик кўрсаткичлар қуйидаги муносабатларни акс этишига олиб келди. Татбиқ этилган методиканинг меъёрий кўрсаткичлари орқали талабаларнинг низоли ҳолатларда хулқ-авторида намоён бўлиши мумкин бўлган хусусиятларни аниқлаш имконини берди.

Биз тадқиқот жараёнида талабалардаги низога мойил талабаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари ва низога мойиллик даражаси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масаласини ўрганишга эътибор қаратдик.

Низоли вазиятларда рақобатни танловчи талабаларда жисмоний агрессиянинг юқори даражалари қайд этилди ($r=0,140$; $p<0,05$). Низода рақобат хулқ-атвор стратегиясини танлаганларда жисмоний агрессия кўринишлари деярли намоён бўлиб, уларнинг бошқаларга жисмоний озор беришга хайрихоҳ бўлиши кузатилди. Ўспиринлик ёшидагилар жисмоний кучга тўлганликлари сабабли ҳам низони ҳал этишда жисмоний агрессия уларнинг хулқ-атвори учун хос хусусият эканлиги аниқланди.

Низоларда рақобат хулқ-атвор стратегиясига эга талабалар вербал агрессия билан боғлиқ аҳамиятли коэффицент ҳосил қилмаганликлари корреляцион таҳлил натижасида қайд этилмади. Низоларда рақобат хулқ-атворини ёқловчи ўз агрессияларини вербал тарзда ифода этмасликлари жисмоний агрессияда юқори аҳамиятли боғланиш ҳосил қилганликлари сабабидир, дейиш мумкин.

Рақобат хулқ-атвор услубини ёқловчилар низоларда билвосита агрессия ($r=-0,057$) ва негативизмга ($r=-0,013$) зарурат сезмас эканлар. Низоларда рақобат хулқ-атвор услубини ёқловчиларда тажанглик ($r=0,170$; $p<0,05$), шубҳаланувчанлик ($r=0,157$; $p<0,05$) ва хафагарчилик ($r=0,183$; $p<0,05$) ортиб борар экан. Бу эса уларнинг низоли вазиятларда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг ўзларини манфаатлари ҳисобига ҳал этиш эҳтиёжини устуворлиги, рақибларнинг хатти-ҳаракатларини қабул қилишни истамасликлари, атрофдагиларга ишонмасликлари ва улар томонидан зарар етказишдан шубҳаланишлари бунга сабабдир. Аммо улар низода ўзларини айбдор ҳис қилиш кўп ҳам кузатилмади ($r=-0,064$).

Низода ҳамкорлик услубини ёқловчиларда агрессивликнинг билвоситалик шакли кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги қайд этилди ($r=-0,181$; $p<0,05$). Билвосита агрессия бу аксарият ҳолларда четдан, билдирмасдан тажовузга мойилликни акс эттиради. Низода ҳамкорлик услубини ёқловчилар низолашувчи томонларнинг ўзаро келишувига ҳаракат қилишлари сабабли ҳам низога мойилликлари бундай йўл билан иш тутишни маъқулламаслиги кузатилди.

Низоларда келишувчанликни ёқловчиларда ҳам билвосита агрессияга хослиги аниқланди ($r=-0,120$; $p<0,01$). Улар ҳам ҳамкорликни ёқловчилар

сингари низода ўзаро тенг муносабатни ёқлашлари ва ўз навбатида бунинг ҳисобига нимагадир эришишлари кўзда тутилганлиги сабабли ҳам билвосита агрессияни ҳар доим ҳам ёқламасликларига сабаб бўлишини кузатиш мумкин.

Ҳамкорлик услубини ёқловчиларда низоли вазиятларда шубҳаланувчанлик ($r=-0,348$; $p<0,01$), хафагарчилик ($r=-0,157$; $p<0,05$) ва айбдорлик ҳисси ($r=-0,162$; $p<0,05$) бўйича агрессив ҳолатлар кўрсаткичларининг пастлиги аниқланди. Улар низода ҳамкорликни ёқлашлари ҳисобига шубҳаланишга, хафагарчилик ва айбдорлик ҳиссига ҳожат йўқлиги сабабли, аксинча шубҳаланишга йўл қўйсалар ҳамкорликни ёқламаслиги кузатилди.

Низода келишувчанлик хулқ-атвор услубини ёқлаганларда жисмоний агрессия ($r=-0,300$; $p<0,01$), вербал агрессия ($r=-0,160$; $p<0,05$), билвосита агрессия ($r=-0,120$; $p<0,05$), тажанглик ($r=-0,187$; $p<0,05$), шубҳалувчанлик ($r=-0,201$; $p<0,05$), хафагарчилик ($r=-0,169$; $p<0,05$) ва айбдорлик ҳисси ($r=-0,181$; $p<0,05$) агрессияси бўйича қуйи корреляция коэффициентлар аниқланди. Уларнинг низода келишувчанликни танлашлари негативизмдан фарқли тарзда агрессияни пасайишига сабаб бўлиши аниқланди. Низода ушбу хулқ-атвор услубини танлаганлар низони бартараф этиш билан бир қаторда агрессияни пасайиш имкониятини ҳам топиши кузатилди.

Низода тортишувдан қочишни ёқловчилар жисмоний агрессия ($r=-0,162$; $p<0,05$), вербал агрессия ($r=-0,325$; $p<0,01$), тажанглик ($r=-0,160$; $p<0,05$) ва шубҳалувчанлик ($r=-0,173$; $p<0,05$) агрессиялари билан қуйи боғланиш даражасига эга бўлдилар. Низоли хулқ-атвор услуби билан агрессив хулқ-атвор стратегиялари ўртасидаги боғланишларнинг қуйи даражадан ўрин олишида улар кам ҳаракат ва кам йўқотишлар ҳисобидан чиқишга ҳаракат қилишга уринишлари сабаблидир. Ушбу низодаги вазиятларни юмшатувчилар вақтинчалиқдир. Шунинг учун талабалар гуруҳидаги низоларни олдини олишда аниқ психокоррекция тадбирлар ўтказишга зарурат туғилади.

Талабаларнинг низода мослашувчанликни ёқловчиларда ҳам ўзига хос эмпирик кўрсаткичлар кузатилди. Бунда низода мослашувчанлик хулқ-атвор услубини ёқловчиларда жисмоний агрессия ($r=-0,215$; $p<0,05$), тажанглик ($r=-0,177$; $p<0,05$), шубҳалувчанлик ($r=-0,228$; $p<0,05$), ва айбдорлик ҳисси ($r=-0,192$; $p<0,05$) агрессияси бўйича қуйи корреляция коэффициентлар ҳамда вербал агрессия ($r=-0,160$; $p<0,05$) ва хафагарчиликда ($r=-0,169$; $p<0,05$) юқори боғланиш даражалари аниқланди. Эмпирик кўрсаткичлар талабаларнинг низодаги позицияларида мослашувчанликни устувор билишлари оқибатида ўзларининг зарарига бўлса ҳам оппозицияларидан ён босишлари кузатилади. Бундай шароитда улар жисмоний агрессиядан воз кечишга, тажангликни чеклашга, шубҳаланувчанликка йўл қўймасликка, ўзларини ёмон инсон сифатида ҳис этишдан воз кечишларига тўғри келар экан. Аксинча, бундай агрессиялардан воз кечиши ҳисобига вербал агрессия ($r=-0,160$; $p<0,05$) ва хафагарчилик ($r=-0,169$; $p<0,05$)ни кучайтириб юборишлари мумкин.

Айтиш мумкинки, талабалар гуруҳидаги низоли хулқ-автор ва уни ҳал этишга нисбатан низо иштирокчиларининг хулқ-атвор позициялари оддий

муносабат билан муаммони ҳал этиш учун ечим бўла олмайди. Бунинг учун юқорида таъкидлангани сингари яққол психокоррекция дастурга зарурат туғилади. Бу албатта, тадқиқотимизнинг кейинги босқичда амалга ошириладиган вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Таълим босқичига кўра юқори низолашувга мойил талабаларнинг таълим босқичлари бўйича таҳлилга эътибор қаратилди. Бу ҳолатда низолашув даражалари юқори талабаларнинг таълим босқичларига кўра агрессияга мойиллик даражалари таҳлили навбатдаги жадвалда келтирилади. Низолашуви юқори даражали талабаларнинг Басс-Даркининг «Агрессивликни аниқлаш» методикаси шкаллари билан корреляцион муносабатлар таҳлилида қуйидагича муносабатлар кузатилди.

Тадқиқот объектларининг умумий миқдорига кўра низолашувчанлиги юқори бўлган талабалар (N=365) бўйича кўрсаткичнинг 17,35 % ташкил этди. Ушбу талабаларнинг низога мойиллигида агрессив хулқ-атвор стратегиялари қандай даражада ўрин олганлигини қуйида изоҳлаймиз.

Низолашувчанлик даражаси юқори бўлган талабаларнинг таълим босқичлари билан боғлиқ корреляцион муносабатларда бир-бирига мос равишда агрессиялар кузатилди.

Биринчи босқич талабаларида жисмоний агрессия ($r=0,344$; $p<0,01$), вербал агрессия ($r=0,259$; $p<0,05$), билвосита агрессия ($r=0,248$; $p<0,05$), негативиз ($r=0,448$; $p<0,01$), тажанглик ($r=0,459$; $p<0,01$), шубҳалувчанлик ($r=0,372$; $p<0,01$), хафагарчилик ($r=0,254$; $p<0,05$) агрессиялари бўйича қуйи корреляция коэффициентлар аниқланди.

4-жадвал.

Низолашувчанлик юқори даражадаги талабаларнинг агрессивлик хулқ-атвор стратегиялари кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция муносабатлари (Спирман мезони)

Кўрсаткичлар	Низолашув даражасини юқори	
	1-курс (N=39)	3-курс (N=35)
Жисмоний агрессия	0,344**	0,245*
Вербал агрессия	0,259*	0,457**
Билвосита агрессия	0,248*	0,123
Негативизм	0,448*	0,225*
Тажанглик	0,459**	0,488**
Шубҳаланувчанлик	0,372**	0,396**
Хафагарчилик	0,254*	0,285**
Айбдорлик ҳисси	-0,082	-0,296*

Изоҳ: * - $p<0,05$; ** - $p<0,01$.

Учинчи босқич талабаларида жисмоний агрессия ($r=0,245$; $p<0,05$), вербал агрессия ($r=0,457$; $p<0,01$), негативизм ($r=0,225$; $p<0,05$), тажанглик ($r=$

0,488; $p < 0,01$), шубҳалувчанлик ($r = 0,396$; $p < 0,01$), хафагарчилик ($r = 0,285$; $p < 0,05$) агрессиялар бўйича юқори ва айбдорлик ҳисси ($r = -0,296$; $p < 0,05$) агрессияси бўйича қуйи корреляция коэффиценти кузатилди.

Низолашув даражаси юқори бўлган талабалар низоли ҳолатларда агрессиянинг барча кўринишларига хайрихоҳ бўлишлари мумкин эканлиги кузатилди. Бу ҳолат уларнинг таълим босқичлари бўйича кескин тафовутлашга зарурат қолдирмайди. Бундан кўринадики, низолашувчилар индивидуал ҳолларда низоли вазиятларда ўзларининг агрессиясида кескин тафовутларни келтирмасда, умумий ҳолда юқори низолашувга эга бўлган талабалар гуруҳи аъзоларида тажовузкорлик бир хилда кўриниш олиши мумкин эканлиги эътироф этилади.

Таълим босқичига кўра уларнинг натижаларидаги тафовутли ҳолат 1-босқич талабалари низоларда билвосита агрессияга ($r = 0,248$; $p < 0,05$), яъни бошқа шахсга орқаворатдан йўналтирилган ёки ҳеч кимга қаратилмаган тажовузни ифодалашга, хайрихоҳ эканлиги кузатилди. Учинчи босқич талабаларида эса бундай шароитда айбдорлик ҳисси пасайиб кетиши кузатилди ($r = -0,296$; $p < 0,05$), яъни ўзларини ёмон одам эканлигига, ёмонлик қилаётганига, шунингдек, виждон азобига ишонишини сусайтиришлари мумкинлигини тушуниб етадилар.

«Агрессивликни аниқлаш» методикаси натижаларининг қиёсий таҳлили амалга оширилганда айрим шкалалар бўйича гуруҳлар ўртасида ишонч даражасидаги фарқлар қайд этилди.

5-жадвал.

Низолашуви ўртача ва юқори бўлган талабалар агрессия кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили (Манн-Уитни мезони асосида)

Шкалалар	Ўртача ранглар		U	p
	Низолашув даражалари ўртача талабалар (N=153)	Низолашув даражаси юқори талабалар (N=74)		
Жисмоний агрессия	1178,20	1428,30	862475	0,002**
Вербал агрессия	1287,35	1398,56	768531	0,014*
Билвосита агрессия	1132,01	1481,94	897458	0,003**
Негативизм	1178,61	1412,26	797828,1	0,003**
Тажанглик	1139,51	1464,01	837171,4	0,002**
Шубҳаланувчанлик	1328,41	1360,18	824921,5	0,417
Хафагарчилик	1246,37	1278,25	857869,3	0,107
Айбдорлик ҳисси	1369,61	1174,40	841257,7	0,002**

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$.

Басс-Даркининг «Агрессивликни аниқлаш» методикаси бўйича талабалар гуруҳидаги низолашувчанлик даражаси ўртача ва юқори бўлганларнинг

кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ўрганилганда куйидаги муносабатлар кузатилди: жисмоний агрессия шкаласи бўйича натижалар таҳлил қилинганда ишонч даражасидаги ($U=795538$; $p<0,05$) фарқ аниқланди. Эмпирик кўрсаткичга кўра низолашув даражаси юқори бўлган талабалар ўзаро низолар шароитида бошқаларга нисбатан жисмоний куч ишлатишга мойил ва низонинг ечимини куч ишлатиш билан ҳал этишга уринишлари устувор дейиш мумкин. Ўртача низолашувчилар эса куч ишлатишдан ўзларини тута олар эканлар. Вербал агрессия шкаласининг натижаларида ҳам ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлиги аниқланди. ($U=768531$; $p<0,01$). Эмпирик кўрсаткичлар низолашув даражаси юқори бўлган талабаларда вербал агрессия шкаласининг натижалари юқори кўрсаткич билан ифодаланди. Низолашуви юқори даражалилар ўртача даражали тенгдошларига нисбатан кўпроқ вербал агрессияни намоён қилишлари аниқланди. Улар жисмоний куч ишлатиш билан бир қаторда сўз орқали ўзларининг салбий ҳисларини ифодалаб олишлари, балки низодаги ўзлари эришиши керак бўлган муносабатлардан тўлиқ қониқиш олиш учун шундай хулқ-атвор стратегиясини танлаётган бўлишлари мумкин. Билвосита агрессия шкаласи бўйича ҳам анъанавий фарқ кузатилди (897458 ; $p<0,05$). Демак айрим ҳолларда юқори агрессияга эга бўлганлар низоли вазиятларда ўзлари хоҳлаган натижаларга эришишлари учун билвосита агрессиядан фойдаланишдан ҳам чекланмас эканлар. Негативизм шкаласи натижаларига кўра низолашув даражаси юқори талабалар негатив фикрларга мойилликлари эмпирик кўрсаткичларда кузатилди ($U=797828,1$; $p<0,05$). Ўртача низолашув даражасидаги талабаларда негативизм ҳисларининг пастлиги уларнинг атрофдагилар билан низоларда ижобий ечим топишга интилишидан далолат беради. Низолашув даражаси юқори бўлганлар эса ҳар бир сўз ва ҳар бир жумлага нисбатан негатив фикрларни намоён қилишга мойилдирлар. Бу эса уларнинг низода қандай бўлишдан қатъий назар ўзлари учун зарур қониқиш олишга йўналганлиги оқибати бўлиши мумкин.

Ўз навбатида тажанглик шкаласи бўйича ҳам низолашуви юқори даражали талабалар билан ўртача даражада низолашувчилар ўртасида ишонч даражасидаги тафовут ($837171,4$; $p<0,05$) кузатилди. Ушбу шкалага кўра юқори даражада низолашувчи талабалар низоли вазиятларда ўзларининг салбий ҳисларини яққол ифодалашга мойилдирлар. Бу уларнинг низода ўзларида мавжуд ҳар қандай имкониятни ифодалашга уринишларини ифодалайди.

Аммо шубҳаланиш ва хафагарчилик шкалалари бўйича ҳар иккала гуруҳ талабалари ўртасида ишонч даражасидаги тафовутлар кузатилмади.

Айбдорлик ҳисси шкаласи бўйича олинган натижаларда ҳар икки тоифа талабалар ўртасида ишончли фарқи аниқланди ($U=841257,7$; $p<0,01$). Бу ҳолат низолашув даражаси юқори талабаларга қараганда ўртача низолашув даражасидаги талабалар ўзларини кўпроқ айбдор ҳисоблар эканлар. Бу ҳолат улар низолашув шароитида ўзларининг қадр-қиммати ва манфаатлари билан бир қаторда рақибларининг шахсий қадриятларини эътибордан четда қолдирмасликлари сабаблидир.

Талабалар ўртасида гуруҳлараро низолар - жамоанинг расмий гуруҳлари (масалан, гуруҳ фаоли) ва бошқа талабалар доирасидаги низолар тушунилади. Одатда, бундай низолар шиддатли характерга эга бўлиб, улар нотўғри бошқарилса, ўқув фаолиятининг мустаҳкамланишига зарар кўрсатиши мумкин.

**Талабалар гуруҳидаги низо ва низоли хулқ-атворга мойилликнинг
шахслилик омилларини эмпирик кўрсаткичлари
(Манн-Уитни мезони асосида) (N=212)**

	Омиллар	Талабаларнинг низоли хулқ-атворга мойиллик даражалари				U (Манн-Уитни қиймати)	p (ишонч даражаси)
		Юқори (n=74)		Қуйи (n=138)			
		Ранглар ўртачаси	Ранглар йиғиндис	Ранглар ўртачаси	Ранглар йиғиндис		
A	Киришимлилиқ	53,00	3922,00	134,63	18444,00	1147,00 0	0,000***
B	Интеллектуаллилиқ	104,74	7751,00	106,68	14615,00	4976,00 0	0,821
C	Ҳиссий барқарорлиқ	58,20	4306,50	131,82	18059,50	1531,50 0	0,000**
E	Етакчилиққа интилиш	115,95	6481,00	87,58	15885,00	3706,00 0	0,001**
F	Беғамлиқ	104,16	7708,00	106,99	14658,00	4933,00 0	0,745
G	Ижтимоий меъёрларга риоя қилиш	56,26	4163,50	132,86	18202,50	1388,50 0	0,000***
H	Ижтимоий дадиллиқ	107,31	7941,00	105,29	14425,00	4972,00 0	0,686
I	Таассуротчанлиқ	97,62	7224,00	110,53	15142,00	4449,00 0	0,816
L	Шубҳаланувчи	102,57	7590,00	107,85	14776,00	4815,00 0	0,132
M	Ҳаёлий тимсолларга бой	107,30	7940,00	105,30	14426,00	4973,00 0	0,541
N	Дипломатик муносабат ўрнатиш	100,45	7433,50	109,00	14932,50	4658,50 0	0,817
O	Безовтали	104,80	7755,00	106,65	14611,00	4980,00 0	0,319
Q ₁	Янгилиққа сезгир	100,94	7469,50	108,73	14896,50	4694,50 0	0,830
Q ₂	Мустақиллиқ	110,29	6572,50	115,28	15793,50	3797,50 0	0,445
Q ₃	Ўзини ўзи тартибга солиш	88,82	8161,50	103,68	14204,50	4751,50 0	0,012*
Q ₄	Зўриққанлиқ	125,46	5177,50	69,97	17188,50	2402,50 0	0,000**

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,001$.

«Талабалар жамоасида низоли хулқ-атвор ва уни бартараф этишнинг амалий тадқиқи» деб номланган диссертациянинг учинчи боби, талабаларда

низолари хулқ-атвори келтириб чиқарувчи психологик омиллар, талабалар жамоасида низолари хулқ ва низолари вазиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар, талабаларда низолари хулқ-атвори баргараф этишининг психокоррекция дастурини тузиш ва самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган.

Тадақиқотда талабалар гуруҳидаги низо ва низолари хулқ-атвора мойиллигининг шахслик омиллари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди (Р.Кеттелнинг 16 омилли шахсни ўрганиш сўровномаси асосида). Сўровноманинг киришимлилик омили бўйича эмпирик кўрсаткичлар талабаларнинг ишонувчан, вазиятларга осон мослашадиган, қувноқ шахслар эканлигини кўрсатмоқда. Бундан кўринадики, низолари хулқ-атвора юқори мойил шахсларга хос хусусиятлар талабаларни низолари ечимини топиш эмас, балки уни чуқурлашувига сабаб бўлади.

